

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАКИМОВ ОТАБЕК САТИВАЛДИЕВИЧ

**КЕКСА ВА ҚАРИ ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА ЎТКИР ТОШЛИ
ХОЛЕЦИСТИТНИНГ ДЕСТРУКТИВ ШАКЛЛАРИДА ТАШХИСОТ ВА
ХИРУРГИК ТАКТИКАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хакимов Отабек Сативалдиевич

Кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир тошли холециститнинг
деструктив шаклларида ташхисот ва хирургик тактикани
такомиллаштириш..... 3

Хакимов Отабек Сативалдиевич

Оптимизация диагностики и хирургической тактики при деструктивных
формах острого холецистита у больных пожилого и старческого
возраста..... 27

Khakimov Otabek Sativaldievich

Improving of diagnostics and surgical tactics for destructive forms of acute
cholecystitis in elderly and senile patients..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАКИМОВ ОТАБЕК САТИВАЛДИЕВИЧ

**КЕКСА ВА ҚАРИ ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА ЎТКИР ТОШЛИ
ХОЛЕЦИСТИТНИНГ ДЕСТРУКТИВ ШАКЛЛАРИДА ТАШХИСОТ ВА
ХИРУРГИК ТАКТИКАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Tib4995 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Атажанов Шухрат Камилович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Махмудов Улугбек Марифджанович тиббиёт фанлари доктори Кадиров Шавкат Номанович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўт тош касаллиги (ЎТК) дунё аҳолисининг тахминан 15 фоизда ташхисланади ва беморларнинг ҳаёт сифатини пасайиши, ҳаёт учун ҳавф солувчи турли асоратларнинг ривожланиши, оператив аралашувлар частотасини ортиши билан кечади, бу эса соғлиқни сақлаш тизимида жиддий молиявий юкламага олиб келади¹. Биргина Қўшма Штатларда ҳар йили ўтказиладиган холецистэктомиялар сони 800000 га етади ва бу муолажалар билан боғлиқ харажатлар тахминан 6,0 миллиард долларни ташкил қилади. Ўткир холецистит билан касалланган барча беморларнинг 40-60% ини 60 ёшдан катталар ташкил этади. 70 ёшдан ошганлар орасида касалланиш даражаси эса ҳар 1000 кишига 3-5 ҳолат гача етади, бу ўрта ёшдагиларга нисбатан бир неча марта юқори ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг прогнозларига кўра, 65 ёшдан ошган аҳоли улуши ҳозирги 18% дан 30 йил ичида 25% гача кўтарилади. Бу шуни англатадики, ўт тош касаллиги билан касалланиш борасида йилдан йилга гериатрик беморлар улуши ортиб боради. Ўзбекистонда шошинч қорин бўшлиғи жарроҳлигида ўт-тош хасталиги билан касалланган беморлар 25,3%ни ташкил этади, шундан 28,5 фоизи қари ва кекса ёшдаги беморлардир. Ушбу ёш гуруҳида ўткир холециститда бажарилган холецистэктомияларнинг ўзига хос ва операциядан кейинги умумий асоратлари мос равишда 36,4% ва 40,9% ни ташкил қилади. Бу ҳолатлар даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган келгуси тадқиқотлар заруратини белгилайди.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда ўт тош касаллигининг шошинч жарроҳлигида гериатрик ёшдаги беморлар учун илмий асосланган клиник кўрсатмаларни ишлаб чиқиш энг долзарб бўлиб қолмоқда ва бу борада бир қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда, мураккаб лапароскопик холецистэктомия вақтида ятроген шикастланишнинг олдини олиш учун флуоресцент бўёқ сифатида индоцианин яшилидан фойдаланган ҳолда ўт йўли анатомик тузилмаларини интраоператив визуализация қилиш имкониятларини ўрганиш, шунингдек, мавжуд мета-таҳлиллар асосида турли хил холецистэктомия усулларининг ҳавфсизлигини аниқлаш учун кўп марказли тадқиқотлар улардан энг долзарблари ҳисобланади.

Мамлакатимизда хирургияни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари ўт тош касаллиги ва унинг асоратлари билан касалланган гериатрик беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чоратadbирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, кекса ва қари ёшдаги беморларда

¹ E S, Srikanth MS, Shreyas A, Desai S, Mehdi S, Suman, Krishna KL. Recent advances, novel targets and treatments for cholelithiasis; a narrative review. Eur J Pharmacol. 2021 Oct 5;908:174376.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг. 28. 01 2022 йилдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида» ПҚ-60 сонли Фармони.

ўткир холециститнинг деструктив шаклларида даволаш натижаларини яхшилаш, ушбу патологиянинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти туфайли билиар хирургиянинг ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўткир деструктив холециститни даволашнинг ягона радикал усули холецистэктомия ҳисобланади³. Бироқ, кекса ёшдаги беморларда периперацион асоратлар ва ўлим хавфи юқори бўлгани сабабли, шошилинч холецистэктомиянинг афзалликлари унчалик аниқ эмас. Кекса ёшдаги беморлардаги ҳамроҳ касалликлар юки физиологик захиранинг сезиларли даражада камайишига ва периперацион асоратлар сонининг ортишига олиб келади. Кекса ёш ўткир холециститда асоратлар ривожланишининг мустақил хавф омили ҳисобланади. Шунга қарамай, тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, кекса ёшдаги беморларда шошилинч холецистэктомия етарлича хавфсиз ҳисобланади⁴. Кекса ёшдаги беморларда ўткир холециститни консерватив усулда даволагандан сўнг 38% ҳолларда қайта госпитализация талаб этилади, холецистэктомиядан сўнг эса бу кўрсаткич атиги 4% ни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, Англияда ўткир холецистит бўйича кекса ёшдаги беморларда Т. Wiggins ва ҳаммуаллифлари томонидан ўтказилган когорт тадқиқот шунни кўрсатдики, шошилинч холецистэктомия гуруҳида 30 кунлик ўлим кўрсаткичи 11,6% ни ташкил этган, консерватив даво гуруҳида эса – 9,9%. Бир йиллик ўлим кўрсаткичи эса мос равишда 20,8% ва 27,1% ни ташкил этган⁵. Кекса ёшдаги беморларда эрта холецистэктомияга оид адабиётлар бўйича ўтказилган мета-таҳлил натижасида аниқланишича, операциядан кейинги ўлим кўрсаткичи 0 дан 5% гача, асоратлар частотаси эса 4 дан 31% гача бўлган. Шу билан бирга, ўрта

³ Sutton A.J., Vohra R.S., Hollyman M. Et al. Cost-effectiveness of emergency versus delayed laparoscopic cholecystectomy for acute gallbladder pathology //Journal of British Surgery. – 2017. – Т. 104. – №. 1. – С. 98-107.

⁴ Хаджибаев А.М. Малоинвазивные методы лечения осложненных форм острого калькулезного холецистита у лиц пожилого и старческого возраста //Вестник экстренной медицины. – 2010. – №. 4. – С. 94-98.

⁵ Wiggins T., Markar S.R., Mackenzie H. Et al. Evolution in the management of acute cholecystitis in the elderly: population-based cohort study //Surgical endoscopy. – 2018. – Т. 32. – №. 10. – С. 4078-4086.

ёшдаги беморларда бу кўрсаткичлар мос равишда 1% дан кам ва 15% дан камни ташкил этган⁶.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон олимлари томонидан ўткир деструктив холецистит бўйича бир қанча тадқиқотлар натижалари эълон қилинган (Хаджибаев А.М., 2024; Хакимов М.Ш., 2024; Акбаров М.М., 2023; Туракулов У.Н., 2021; Ботиров А.К., 2023; Курбаниязов З.Б., 2024 ва бошқ.). Тадқиқотларнинг асосий йўналишлари лапароскопик ва минимал инвазив усулларнинг самарадорлигини баҳолаш, эрта ташхислаш, хирургик даволаш усулларини такомиллаштириш ва янги усулларни ишлаб чиқиш, хирургик тактикани оптималлаштириш ва асоратларни камайтиришга қаратилган. Аммо кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир деструктив холециститда каминвазив усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли эмас.

Ўтказилган адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунгача гериатрик беморларда ягона жарроҳлик ёндашуви масалалари кенг муҳокамалар мавзуси бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунга қадар операциядан кейинги эрта асоратларни олдини олиш, юзага келган асоратни ишончли тарзда коррекциялаш ва ҳар бир алоҳида ҳолат учун уни даволаш усули бўйича асосли тавсиялар мавжуд эмас. Буларнинг барчаси кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир деструктив холециститни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кейинги тадқиқотларга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир холециститнинг деструктив шаклларида ташхислаш ва хирургик даволаш усулларини такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир холециститнинг деструктив шаклларининг гендер таркиби, антропометрик жиҳатлари ва ва клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари аниқлаш;

ўткир холециститнинг турли морфологик шакллари ташхислашда ультратовуш текширувининг ўрни ва ролини баҳолаш, касалликнинг деструктив шакллари оғирлигини баҳолаш ва унинг перивезикал асоратларини эрта ташхислаш, ўткир яллиғланишнинг турли босқичларининг характерли сонографик семиотикасини аниқлаш ва тасвирий тавсифлаш;

кекса беморларда ўткир холециститнинг гангреноз турида лапароскопик холецистэктомияни амалга оширишнинг техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали лапароскопик холецистэктомия усулини ишлаб чиқиш;

⁶ Loozen C.S., van Ramshorst B., van Santvoort H.C. Et al. Early cholecystectomy for acute cholecystitis in the elderly population: a systematic review and meta-analysis //Digestive surgery. – 2017. – Т. 34. – №. 5. – С. 371-379.

ишлаб чиқилган лапароскопик холецистэктомия усулининг хавфсизлиги ва клиник самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида АДТИ Клиникасида ўткир тошли деструктив холецистит туфайли лапароскопик ёки анъанавий холецистэктомия ташрихи ўтказилган кекса ва қари ёшдаги 172 беморлар олинган.

Тадқиқот предмети кекса ва қари беморларда ўткир холециститнинг деструктив шаклларининг клиник хусусиятлари, касалликнинг ушбу шаклининг характерли ультратовуш белгиларини ва ишлаб чиқилган техник усулларнинг хавфсизлиги ва клиник самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий шароитларда кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир холецистит деструктив шаклларининг демографик ҳамда антропометрик жиҳатлари, гендер таркиби ва клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

геронтологик беморларда ўткир холециститнинг деструктив шакллари ташхисотида ультратовуш текширувининг “С” ва “РДС” режимларида ушбу касалликнинг патогномоник сонографик семиотикасининг кенг спектрини аниқлаш ва тизимлаштириш орқали ўт пуфаги деворининг деструкцияси ва унинг асоратларига оид алоҳида эхографик белгилар гуруҳлари аниқлаштирилган;

кекса беморларда ўткир холециститнинг гангреноз тури бўлган ҳолатларда ўт пуфагини тубидан бошлаб ажратиш, барча анатомик тузилмалар визуализациясидан сўнг дастлаб ўт пуфаги артериясини сўнгга ўт пуфаги йўлини “зинасимон” тарзда клипсалаш билан тавсифланувчи лапароскопик холецистэктомия усули ишлаб чиқилган;

кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир холециститнинг деструктив шаклларида лапароскопик холецистэктомия ташриhini амалга оширишнинг мақбуллаштирилган беш босқичдан иборат техник жиҳатларидан фойдаланишнинг клиник самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўткир холециститнинг деструктив шакллари эрта ташхислаш ва адекват даволаш тактикасини танлаш учун ўт пуфаги ҳамда перивезикал анатомик тузилмалардаги яллиғланиш ўзгаришларининг оғирлигини нисбий морфологик баҳолашнинг юқори информацион шкаласи таклиф қилинган;

ўткир холециститнинг деструктив шакллари туфайли лапароскопик холецистэктомия амалиёти вақтида ўт пуфаги найчасини “зинасимон” усулда клипсалаш, яллиғланиш инфильтрацияси туфайли найча диаметри кенгайган ҳолатларда ҳам уни ишончли ёпилишини таъминлаши аниқланган;

кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир холециститнинг деструктив шаклларида ишлаб чиқилган лапароскопик холецистэктомия усулининг клиник самарадорлиги муваффақиятли эндохирургик аралашувлар улушини 95,8% гача ошиши, умумий асоратлар частотасини 3,8% гача, специфик асоратларни 4,2% гача камайиши, ташрихдан кейинги ўлим кўрсаткичини 1,4% гача пасайиши билан намоён бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, замонавий шароитларда кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир холецистит деструктив шаклларининг демографик ҳамда антропометрик жиҳатлари, гендер таркиби ва клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек геронтологик беморларда ўткир холециститнинг деструктив шакллари ташхисотида ультратовуш текширувининг патогномоник сонографик семиотикасининг кенг спектрини аниқлаш ва тизимлаштириш орқали ўт пуфаги деворининг деструкцияси ва унинг асоратларига оид алоҳида эхографик белгилар гуруҳларига оид мавжуд билимларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир холециститнинг деструктив шаклларида лапароскопик холецистэктомия ташрихини амалга оширишнинг мақбуллаштирилган беш босқичдан иборат техник жиҳатлари такомиллаштирилганлиги, ўт пуфаги ҳамда перивезикал анатомик тузилмалардаги яллиғланиш ўзгаришларининг оғирлигини нисбий морфологик баҳолашнинг юқори информацион шкаласи таклиф қилинганлиги ва ишлаб чиқилган лапароскопик холецистэктомия усулининг клиник самарадорлиги асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўткир холециститнинг деструктив шакллари бўлган кекса ва қари беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: замонавий шароитларда кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир холецистит деструктив шаклларининг демографик ҳамда антропометрик жиҳатлари, гендер таркиби ва клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 мартда бi-28/у-сон билан тасдиқланган «Кекса ёшли беморларда гангреноз холециститда лапароскопик холецистэктомия усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг

03.06.2024 йилдаги 118/1-сон, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 07.07.2024 йилдаги 79-сон ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 20.06.2024 йилдаги 136/3-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/19-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: илмий янгиликдан фойдаланиш ҳаёт учун хавфли асоратлар ривожланишини олдини олишга, беморларни даволаш сифатини оширишга шунингдек беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга ва ушбу патологияда ўлим кўрсаткичларини камайтиришга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ўткир холециститнинг деструктив шакллари бўлган кекса беморларни даволашда ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш касаллик асоратларини олдини олиш ва адекват даволаш усулини қўллаш ҳисобига беморларнинг стационарда бўлиш муддатини ўртача 4 кунга қисқартиришга ҳамда 1 беморнинг стационарда бўлиши 4 кунлик жами харажатларини қисқариши ҳисобига 1612000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинишига имкон берган. Хулоса: ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш ўрин-кунларни қисқартириш ҳисобига тадқиқот қўлами бўйича (n=72) 116064000 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

иккинчи илмий янгилик: геронтологик беморларда ўткир холециститнинг деструктив шакллари ташхисотида ультратовуш текширувининг “С” ва “РДС” режимларида ушбу касалликнинг патогномоник сонографик семиотикасининг кенг спектрини аниқлаш ва тизимлаштириш орқали ўт пуфаги деворининг деструкцияси ва унинг асоратларига оид алоҳида эхографик белгилар гуруҳлари аниқлаштирилганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 мартда 61-28/и-сон билан тасдиқланган «Кекса ёшли беморларда гангреноз холециститда лапароскопик холецистэктомия усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг 03.06.2024 йилдаги 118/1-сон, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 07.07.2024 йилдаги 79-сон ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 20.06.2024 йилдаги 136/3-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/19-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ўткир холецистит билан касалланган беморларнинг геронтологик гуруҳини ташхислашда аниқлаштирилган алоҳида эхографик белгиларни инобатга олиш эрта ташхислашга, ривожланиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга, касалликнинг деструктив шакллари ривожланишини бартарафлашга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: илмий янгиликдан фойдаланиш гангреноз холецистит учраш частотасини 8,8% га ва перитонит ҳолатлари частотасини 13,4% га, ўрин кунларни 4,7 га камайтиришга имкон берганлиги сабабли 1 нафар бемор учун ўртача 3012000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинишига имкон берган. Хулоса: ушбу илмий янгиликдан

фойдаланиш ўрин-кунларни ҳамда асоратларни даволаш харажатларини қисқартириш ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича (n=72) 216864000 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

учинчи илмий янгилик: кекса беморларда ўткир холециститнинг гангреноз тури бўлган ҳолатларда ўт пуфагини тубидан бошлаб ажратиш, барча анатомик тузилмалар визуализациясидан сўнг дастлаб ўт пуфаги артериясини сўнгга ўт пуфаги йўлини “зинасимон” тарзда клипсалаш билан тавсифланувчи ишлаб чиқилган лапароскопик холецистэктомия усули Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 мартда 61-28/у-сон билан тасдиқланган «Кекса ёшли беморларда гангреноз холециститда лапароскопик холецистэктомия усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг 03.06.2024 йилдаги 118/1-сон, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 07.07.2024 йилдаги 79-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 20.06.2024 йилдаги 136/3-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/19-сон ҳулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ўткир холециститнинг деструктив шакллари бўлган кекса беморларни даволашда тавсия этилган лапароскопик холецистэктомия усулидан фойдаланиш жарроҳликдан кейинги ҳаёт сифатини яхшилашга ва ушбу патологияда ўлим кўрсаткичларини камайтиришга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: таклиф этилган усулни қўллаш орқали беморларнинг стационарда бўлиш муддати 4,7 кунга қисқартирилди. Бунинг натижасида 1 беморнинг стационарда бўлиши 1 кунлик жами харажатларининг ўртача миқдори 403000 сўмни ташкил этгани ҳолда 1894100 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинишига имкон берган. Хулоса: ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш ўрин-кунларни қисқартириш ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича (n=72) 136375200 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

тўртинчи илмий янгилик: кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир холециститнинг деструктив шаклларида лапароскопик холецистэктомия ташрихини амалга оширишнинг мақбуллаштирилган беш босқичдан иборат техник жиҳатларидан фойдаланишнинг клиник самарадорлиги исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 мартда 61-28/у-сон билан тасдиқланган «Кекса ёшли беморларда гангреноз холециститда лапароскопик холецистэктомия усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг 03.06.2024 йилдаги 118/1-сон, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 07.07.2024 йилдаги 79-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 20.06.2024 йилдаги 136/3-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-

техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/19-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ўткир холециститнинг деструктив шакллари бўлган кекса беморларни даволашда тавсия этилган ёндашувлардан фойдаланиш жарроҳликдан кейинги ҳаёт сифатини яхшилашга ва ушбу патологияда ўлим кўрсаткичларини камайтиришга ёрдам беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: кекса беморларда ўткир холециститнинг деструктив шакллари диагностика ва даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижаларини жорий этиш гангреноз холецистит ва перитонит ҳолатларининг мос равишда 16,4% дан 7,6% гача ва 31,4% дан 18,0% гача камайтишига имкон берди. Хулоса: кекса ёшли 100 нафар беморда ўрин-кунлар сонининг қисқариши ҳисобига $10,4 - 5,7 \text{ кун} = 4,7 \text{ кун} \times 403000 \text{ сўм} \times 100 \text{ бемор} = 189410000 \text{ сўм}$ бюджет маблағлари иқтисод қилинишига имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир холециститни жарроҳлик йўли билан даволашнинг долзарб масалалари”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи тақдим этилган бўлиб, унда ўт тош ҳасталиги ва унинг асорати эпидемиологияси, патогенези хусусиятлари ва хавф омиллари, ўткир холециститда шошилиш жарроҳликнинг гериатрик жиҳатлари, шунингдек, кекса ёшдаги беморларда ўткир холециститни жарроҳлик йўли билан даволаш масалалари кўриб чиқилган. Адабиётлар таҳлили натижасида ҳал этилмаган вазифалар ва уларни ечиш йўллари аниқланган.

Диссертациянинг **“Клиник материал ва тадқиқот усуллари тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари келтирилган. Тадқиқотда 2018-2020 йилларда ўткир холециститнинг деструктив шакллари туфайли АДТИ клиникасида оператив даволанган 172 нафар кекса ва қари беморлар иштирок этди. Беморлар шартли равишда 2

гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ - лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭ) қилинган 72 (41,9%) беморлар; Назорат гуруҳига анъанавий (очик) холецистэктомия (АХЭ) қилинган 100 (58,1%) бемор киритилган.

Барча 172 (100%) беморда деструктив холециститнинг сабаби ўт тош хасталиги бўлган. Ўткир деструктив холецистит билан оғриган кекса беморларда аёллар икки марта кўпроқ -119 (69,2%) эркакларга нисбатан 53 (30,8%). Тадқиқотга киритилган беморларнинг ёши 60 дан 85 ёшгача, ўртача ёши $67,4 \pm 6,5$ ёшни ташкил этди. Жинс ва ёш бўйича таққосланган гуруҳлар бир-биридан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилмади ($p < 0,05$) (1-жадвал).

1-жадвал

Беморларнинг демографик ва антропометрик хусусиятлари

Кўрсаткичлар		Назорат гуруҳи, n= 100	Асосий гуруҳ, n=72	R	Жами, n= 172
Жинс, абс. (%)	эркак	35	18 (25,0)	0,162	53 (30,8)
	аёл	65	54 (75,0)		119 (69,2)
Ёш, йиллар, абс. (%)	кексалар - 60-74	77	66 (91,7)	0,012	143 (83,1)
	қарилар - 75-90	23	6 (8,3)		29 (16,9)
	узоқ умр кўриш - 90+	-	-		
Ўртача ёш, йиллар, $M \pm s$		$68,3 \pm 7,0$	$66,1 \pm 5,4$	0,021	$67,4 \pm 6,5$
ТМИ, кг/м ² , абс. (%)	Норма - <25	45	21 (29,2)	0,026	66 (38,4)
	семизликдан олдинги - 25-30	22	30 (41,7)		52 (30,2)
	Семизлик I босқичи – 30-35	16	11 (15,3)		27 (15,7)
	Семизлик II босқичи – 35 - 40	16	7 (9,7)		23 (13,4)
	семизлик III босқичи. – >40	1	3 (4,2)		4 (2,3)
Ўртача БМИ, кг/ м ² , $M \pm s$		$27,8 \pm 6,2$	$28,9 \pm 5,0$	0,181	$28,3 \pm 5,8$

Ҳозирги кунда ва ҳудудимизда ўт тош билан оғриган кекса беморларнинг атиги 31,4 фоизи (54/172) семириб кетган. Ушбу тоифадаги беморларда ўртача ТМИ $28,3 \pm 5,8$ ни ташкил этди, таққослаш гуруҳлари эса бу кўрсаткичда тахминан бир хил эди ($p=0,181$). Тадқиқотга киритилган деярли барча кекса беморларда (4 (2,3%) бемордан ташқари) юрак-қон томир касалликлари, шу жумладан гипертензия (109 бемор (63,4%)), юрак ишемик касалликларининг турли шакллари (135 бемор (78,5%)), юрак ритмининг бузилиши 5 (2,9%) ва 1 беморда ЎБМҚАБ белгилари бор эди, юрак-қон томир касалликлари (2,3%). Ушбу тоифадаги беморларда 2-тоифа қандли диабет (24; 14,0%), СОЎХ (16; 9,3%), сийдик тизимининг турли касалликлари (14; 8,1%) ва ўн икки бармоқли

ичак яраси (7; 4,1%) қайд этилган. 3 (1,7%) кекса беморларда жигар циррози фонида холецистэктомия қилинган.

Маълумки кекса беморларда сафро коликаси хуружлари кўпинча яширин тарзда юзага келади ёки бирга келадиган касалликлар билан маскаланади, бу эса жарроҳлик ёрдамини излашни кечиктиради. Бизнинг кузатишларимиз бўйича, фақат 28 (16,3%) кекса беморлар биринчи кун ичида ва 73 (42,4%) - 48 соатдан кейин тиббий ёрдамга мурожаат қилишди, бу деструктив холецистит фонида холецистэктомия қилиш хавфини оширади.

Кекса ёшдаги беморларда ўткир деструктив холециститнинг морфологик шакллари таркибида флегмоноз холецистит устун бўлиб, 134 (82,0%) беморда аниқланган. 7 (4,1%) ҳолатда ўт пуфаги деворининг флегмоноз яллиғланиши емпиема билан бирга келган. Беморларнинг 18,0 фоизида (31/172) ганреноз холецистит ташхиси қўйилган. Ўтган давр мобайнида диагностика ва даволашга ёндашувлар қайта кўриб чиқилиб, шошилишч холецистэктомия, жумладан, кекса беморларга кўрсатмалар кенгайтирилди. Кекса беморларда перивезикал абсцесс учун шошилишч холецистэктомия қилиш ҳоллари 5,2% (9/172), Мириззи синдроми 0,6% ҳолларда учради.

Ўткир деструктив холециститнинг ультратовуш диагностикаси мезонларини ишлаб чиқиш учун истиқболли тадқиқотда текширилган беморлар ва соғлом одамларнинг хусусиятлари

Диссертация тадқиқоти доирасида ўткир калькулёз холециститнинг ультратовуш семиотикаси тизимлаштирилди. Ўт тош хасталиги ва ўткир холецистит билан оғриган 50 нафар бемор ва 50 нафар соғлом кўнгиллилар (назорат гуруҳи) маълумотларини таҳлил қилиш асосида ўт пуфаги деворини деструкциясининг эхографик белгилари ва унинг асоратлари аниқланди.

Барча ҳолатларда ўт пуфагининг кулранг миқёсли сонографияси орган девори ва озиқлантирувчи томирларнинг доплер спектрини ўрганиш билан тўлдирилди.

Трансабдоминал ультратовуш текшируви, айниқса, ўткир холециститга шубҳа қилинганида, ўт йўллариининг диагностикаси ва мониторинги учун асосий скрининг усули ҳисобланади. Ушбу тадқиқотнинг бир қисми сифатида барча иштирок етган 172 беморга ультратовуш текшируви ўтказилди.


Ташхис қўйиш жараёнида асосий ётибор қуйидаги параметрларга қаратилди: ўт пуфагининг катталашишини аниқлаш (ЎП), унинг деворларининг қалинлиги ва тузилишини баҳолаш, тошларни аниқлаш ва тавсифлаш, қон оқимидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш, перивезикал соҳанинг ҳолати, ўт йўллариининг диаметри, шунингдек, жигар ва ошқозон ости безининг хамрох хасталигини аниқлаш. Ўт пуфагининг артериясининг шохларида қон оқимини ўрганиш рангли доплер хариталаш ва пулсацияланган тўлқинли доплер ёрдамида амалга оширилди. Ўт пуфаги В-режимида, кейин томирларнинг ранг локусларининг сонини ва локализациясини аниқлаш учун С-режимга ўтказилди (1-расм). Қон оқими М. Uggowitz бўйича таснифланди: 0 даража - аваскуляр, + даража - гиповаскуляр, - даража - ўрта томир, ++ даража - гиперваскуляр. Қон томир локусларининг локализацияси РБ Jeffrey таснифи

бўйича ўт пуфагининг сегментар бўлиниши билан аниқланди: segment I - бўйин, II - тананинг проксимал ярми, III- тананинг дистал ярми, IV - пастки (2-расм).

Ўткир холециститни ташхислашнинг умумий клиник усуллари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган стандартларга мос келади.



1-расм. Ультратовуш текшируви: ўт пуфагининг бўйлама қисми (Б-режими), рангнинг жойлашиши томирдан сийдик пуфаги деворига аниқланади (рангли доплер режими)



2-расм. Jeffrey R.B. et al га кўра ўт пуфагининг сегментар бўлиниши, 1995 йил.

1999-йилдан бошлаб Андижон тиббиёт институтида лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭ) жорий этилган бўлиб, бу жарроҳлик жароҳатларини камайтирди ва беморларнинг реабилитациясини тезлаштирди. Дастлаб, ЛХЭ асосан сурункали калькулёз холецистит билан оғриган беморларда режалаштирилган аралашувлар учун ишлатилган. Бироқ, тажриба тўпланганлиги сабабли, ЛХЭ кўрсаткичлари ўткир холециститнинг деструктив шакллари бўлган беморларни, шу жумладан қарияларни ҳам қамраб олди.


Операциядан олдинги баҳолаш "қийин ЛХЭ" учун "кичик" ва "асосий" прогностик мезонларни аниқлашни ўз ичига олади. "Катта" мезонлар сафро йўлларининг патологияси, олдинги операциялар, битишмалар, вентрал чурралар ва бошқа касалликларни ўз ичига олади. "Кичик" мезонларга долихоморф тана тури, кенгайган ўт пуфаги, қалинлашган деворлар, интрагепатик жойлашув ва бирга келадиган касалликлар киради. Ушбу мезонлар техник қийинчиликларни башорат қилишга ва жарроҳлик аралашувни режалаштиришга ёрдам беради.

"Қийин" ЛХЭ учун прогностик омиллар рейтинг тизими ёрдамида баҳоланади: 1 балл (ўртача хавф) - жарроҳлар ва техник жиҳозларнинг етарли тажрибаси билан бартараф этилиши мумкин бўлган "кичик" омилларнинг мавжудлиги; 2 балл (сезиларли хавф) - техник қийинчиликлар ва иккиламчи асоратларни келтириб чиқариши мумкин бўлган битта "асосий" ва ҳар қандай

миқдордаги "кичик" омилларнинг комбинацияси ; 3 балл (юқори хавф) - ЛХЭ учун мутлақ қарши кўрсатмалар бўлган иккита "катта" омилнинг мавжудлиги.

2 нуктада ЛХЭ жарроҳларнинг катта тажрибаси билан ва кундузи 3 нуктада фақат очик холецистэктомия мумкин; 1 нуктада ЛХЭ га кечалари тажрибали жарроҳ билан жамоанинг бир қисми сифатида рухсат берилади.


Диссертациянинг **“Ўткир деструктив холецистит диагностикаси учун ультратовуш мезонларини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида ўт пуфагининг кулранг шкаласи сонографиясидан фойдаланган ҳолда ўткир холециститнинг турли морфологик шакллариининг ультратовуш семиотикаси келтирилган. Ўт пуфагининг ультратовуш текшируви унинг ҳажмини, тузилишини, деворларининг яхлитлигини, таркибини ва паравезикал бўшлиқни баҳолашни ўз ичига олади. Ўткир холециститнинг асосий аломати ўт пуфагининг катталашishi ва бўйин қисмида тош пайдо бўлиши билан кечадиган интравезикал билиар гипертензиядир. Мерфи аломати ҳам кузатилади - ўт пуфагининг проекция майдонидаги сенсорни босганда оғриқ. Ўт пуфагининг чўзилиши ўткир холецистит билан оғриган беморларнинг 96% (48) да кузатилади. Ўт пуфагининг ўртача узунлиги 119.9 ± 17.4 мм, кенглиги 42.6 ± 5.4 мм, максимал бўйлама қисм майдони 21.7 ± 2.6 см². Обструктив холециститда ўт пуфаги ҳажмининг ўзгариши энг муҳим ҳисобланади. Одатда, ўт пуфагининг девор қалинлиги 3 мм гача, тузилиши бир хил, контурлари силлиқдир. Катарал шаклда девор қалинлиги 5-6 мм гача кўтарилади. Деструктив қилувчи шаклларда ва ўткир калькулёз холециститда X-res технологиясидан фойдаланган ҳолда аниқроқ тасвирланган ва ўзаро боғлиқ бўлган "икки контур" симптоми кузатилади ($R = 0,9943$) девор қалинлашуви билан: 3-5 мм да - 3,6% да, 6-8 мм да - 42,9% да, 9 мм дан ортик қалинлашганда - 100% ҳолларда (3-расм).



3-расм. Ўт пуфаги деворининг қалинлиги ҳар хил бўлган ўткир калькулёз холецистит (n=50) билан оғриган беморларда ультратовуш текширувида (n=15) "икки контур" симптомини аниқланиш частотаси.


Эхограммаларда "икки контур" симптомини аниқлаш частотаси ва ўткир холецистит билан касалланган беморларни касалхонага ётқизиш вақти ўртасида юқори тўғридан-тўғри боғлиқлик ($R = 0,9918$) аниқланди (4-расм).

Касалликнинг биринчи кунда бу аломат йўқ, аммо иккинчи кун беморларнинг 12,5 фоизда аниқланади. Касалликнинг давомийлиги 5 кун ёки ундан кўпроққа кўтарилиши билан ўт пуфаги деворининг йўқ қилинишини аниқлаш частотаси 83,3% гача ошади. Икки беморда ультратовуш текшируви перивезикал абцесс белгиларини аниқлади: ноаниқ контурли тартибсиз шаклдаги гипоанехоген шаклланиш ва эхогенлик кучайган перифокал инфильтрат. Учта ҳолатда перитонит кузатилди, баъзида субдиафрагма минтақасига, ўнг латерал каналга, Мориссон синусига ва кичик тос суягига тарқалди. Ўткир холециститда ультратовуш текширувининг асосий компоненти ўт пуфаги бўшлиғини баҳолашдир. Ўткир яллиғланиш жараёни касалликнинг бошқа эхоген белгилари билан биргаликда органнинг гиперэхоген суспензия мавжудлиги билан тавсифланади.



4-расм. Ультратовуш текширувида ($n=15$) касалликнинг бошланишидан турли вақтларда ($n=50$) "кўш контур" симптомини аниқланиш частотаси.

Катарал холецистит билан оғриган беморларда бу белги 14,8% ҳолларда, флегмонозли холециститда - 61,1% ва гангреноз холециститда - 80,0% да аниқланган (5-расм).




5-расм. Ўткир панкреатитнинг турли морфологик шаклларида ультратовуш текширувида ўт пуфагининг гиперэхоген суспензияни аниқланиш частотаси

Икки ҳолатда гиперэхоген таркиб ўт пуфагининг эмпиемасига хос бўлган жигар паренхимасининг эхоструктураси ("ўт пуфагининг гепатизацияси" белгиси) билан бир хил бўлган чизиқли тузилмалар эди (6-расм).

1 ҳолатда, ўт пуфагини сканерлашда шиллиқ қаватнинг орган бўшлиғига "чўкиш" аломати аниқланди, бу гангреноз холециститнинг сонографик белгиси ҳисобланади ва шунинг учун деярли ҳар доим деструктив холециститнинг бошқа УТ белгилари билан бирлаштирилади.

Шундай қилиб, ўткир холецистит ўзига хос сонографик семиотикага эга, унинг аниқ тасвири ва изчил идентификацияси ультратовушда деструктив холециститнинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқ аниқлаш, ўт пуфаги деворидаги яллиғланиш ўзгаришларининг оғирлигини баҳолаш ва перивезикал асоратларни тезда аниқлаш имконини беради.



6-расм. Ўртача RI, PI ва PG қийматлари нормал шароитда ва ўткир холециститда ўт пуфаги томирларида қон оқими.

Ўткир холециститнинг доплерографик белгилари. Ўт пуфагининг ЦДС ҳолатида импульс тўлқинли доплер (ИТД) режимида қон оқимининг тури (артериал ёки веноз) ўрганилди ва артериал қон оқимининг стандарт доплерографик параметрлари баҳоланди: максимал систолик тезлик (V_{max}), минимал диастолик тезлик (V_{min}), қаршилик индекси (RI), пулсация индекси

(PI) ва босим градиенти (PG). Ўткир калькулёз холециститнинг клиник кўриниши бўлган беморларда 39 (78%) ҳолатда орган деворидаги қон оқимининг артериал тури, қолган 11 (22%) беморларда артериялардан ташқари, биз қон оқимининг артериал-веноз тури сифатида таснифланган веналар ҳам жойлашган. Ўт пуфаги деворининг ўткир яллиғланиши фонида артериал қон оқими $V_{\max}$ ва $V_{\min}$ нинг ишончли ($p < 0,001$) ўсиши билан тавсифланади, бу $V_{\max}$ индикаторида аниқ ифодаланади, бу стандарт кўрсаткич билан солиштирганда 2,2 марта ($13,7 \pm 2,4$ дан $29 \pm 8,6$ гача) ошади. $V_{\min}$ эса 1,4 баравар ошди ($6,8$ дан $2,7$ гача $9,6$ дан $4,5$ см/с гача) (2-жадвал).


2-жадвал

Ўт пуфаги деворидаги қон оқимининг асосий кўрсаткичлари, $M \pm s$

Кўрсаткич	Соғлом авлод донорлар, n=50	Ўткир холецистит, n=50	R
$V_{\max}$, см/с	$13,7 \pm 2,4$	$29,5 \pm 8,6$	$<0,001$
$V_{\min}$, см/с	$6,8 \pm 2,7$	$9,6 \pm 4,5$	$<0,001$
RI	$0,59 \pm 0,08$	$0,63 \pm 0,15$	$>0,05$
PI	$1,42 \pm 0,28$	$1,53 \pm 0,46$	$>0,05$
PG, мм рт.ст.	$0,13 \pm 0,05$	$0,45 \pm 0,19$	$<0,001$

Бу ҳолат ўткир холецистит билан оғриган беморларда PG кўрсаткичининг (дан $0,13 \pm 0,05$ гача $0,45 \pm 0,19$ мм, $p < 0,001$) кўп (3,6 марта) ошишида намоён бўлди. Ўт пуфаги деворининг яллиғланган тўқималари фонида қон оқимининг тезлиги хусусиятларининг статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошиши қон оқимининг бошқа кўрсаткичларига нисбатан заиф таъсир кўрсатади - қаршилик индекси (RI) ва пулсация индекси (PI), улар бироз ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, сезиларли даражада фарқ қилмади (оддий кўрсаткичлардан сезиларли даражада фарқ қилмади).

Рангли Доплер хариталаш (РДХ) режимида, соғлом одамларда (n=50), рангли локуслар асосан I (38), ЛС нинг II (12) сегментларида камроқ тасвирланган ва ҳеч бир ҳолатда III ва IV сегментлардан рангли сигналларни аниқлаш мумкин эмас эди (7-расм).



7-расм. Ўт пуфаги деворининг рангли Доплер режимда ультратовушда рангли локусларни кўриш частотаси нормада (n= 50) ва ўткир холециститда (n= 50).

Ўткир холецистит билан оғриган беморларда ультратовуш текшируви ўт пуфаги деворида, асосан, III ва IV сегментларда қон томир қон оқимининг бузилишини аниқлайди. Нормада кузатилмаган бу аломат мос равишда 21 ва 9 та ҳолатда қайд этилган. 20 беморда III ва IV сегментларда рангли локуслар аниқланмади, лекин I ва II сегментларда аниқланди, бу Vmax индикаторининг сезиларли даражада ошиши билан бирга ўткир холециститни ҳам кўрсатади.

